

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ
КИТОБИ / 98-ҳадис

98 - 2276 - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: انْطَلَقَ تَفَرُّ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرَةٍ سَافَرُوهَا، حَتَّى تَزَلُّوا عَلَى حَيٍّ مِنْ أَحْيَاءِ الْعَرَبِ، فَاسْتَضَافُوهُمْ فَأَبَوْا أَنْ يُضَيِّفُوهُمْ، فَلَدَغَ سَيِّدُ ذَلِكَ الْحَيِّ، فَسَعَوْا لَهُ بِكُلِّ شَيْءٍ لَا يَنْفَعُهُ شَيْءٌ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ: لَوْ أَتَيْتُمْ هَؤُلَاءِ الرَّهْطَ الَّذِينَ تَزَلُّوا، لَعَلَّهُ أَنْ يَكُونَ عِنْدَ بَعْضِهِمْ شَيْءٌ، فَأَتَوْهُمْ فَقَالُوا: يَا أَيُّهَا الرَّهْطُ؛ إِنَّ سَيِّدَنَا لُدَغَ، وَسَعَيْنَا لَهُ بِكُلِّ شَيْءٍ لَا يَنْفَعُهُ، فَهَلْ عِنْدَ أَحَدٍ مِنْكُمْ مِنْ شَيْءٍ؟

فَقَالَ بَعْضُهُمْ: تَعَمَّ وَاللَّهِ؛ إِنِّي لِأَرْقِي، وَلَكِنْ وَاللَّهِ؛ لَقَدْ اسْتَضَفْنَاكُمْ فَلَمْ تُضَيِّفُونَا، فَمَا أَنَا بِرَاقٍ لَكُمْ حَتَّى تَجْعَلُوا لَنَا جُعَلًا، فَصَالِحُوهُمْ عَلَى قَطِيعٍ مِنَ الْغَنَمِ.

فَانْطَلَقَ يَنْفُلُ عَلَيْهِ وَيَقْرَأُ: (الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ) فَكَأْتَمَا نُشِطَ مِنْ عِقَالٍ، فَاَنْطَلَقَ يَمْشِي وَمَا بِهِ قَلْبَةٌ.

قَالَ: فَأَوْفُوهُمْ جُعَلَهُمُ الَّذِي صَالِحُوهُمْ عَلَيْهِ، فَقَالَ بَعْضُهُمْ: اأَسْمُوا، فَقَالَ الَّذِي رَقِيَ: لَا تَفْعَلُوا، حَتَّى نَأْتِيَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَتُكْرَ لَهُ الَّذِي كَانَ، فَتَنْظُرَ مَا يَأْمُرُنَا.

فَقَدِمُوا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَكُتِبُوا لَهُ، فَقَالَ: «وَمَا يُدْرِيكَ أَهَّأَ زُفِيَةٌ؟» ثُمَّ قَالَ: قَدْ أَصَبْتُمْ، اأَسْمُوا وَاضْرِبُوا لِي مَعَكُمْ سَهْمًا» فَضَحِكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир гуруҳ асҳоблари сафарлардан бирида йўлга тушишди. Ниҳоят, араб қабилаларидан бирига бориб тушиб, улардан меҳмон қилишларини сўрашган эди, уларни меҳмон қилишдан бош тортишди. Бирдан ўша қабиланинг бошлиғини (заҳарли газанда) чақиб олди. Унга ҳар нарса қилиб кўришди, бироқ ҳеч нарса фойда бермади. Шунда улардан бири: «Анави келиб тушган жамоанинг олдига борсангиз-чи, эҳтимол, уларда бирор нарса топилиб қолар», деди. Буларнинг олдига келиб: «Эй жамоа, бошлиғимизни (заҳарли газанда) чақиб олди. Унга ҳар нарса қилиб кўрдик, фойда бермаяпти. Сизларда бирор нарса борми?» дейишди. Улардан бири: «Ҳа, бор. Аллоҳга қасамки, мен руқйа ўқийман. Лекин Аллоҳга қасамки, сизлардан бизни меҳмон қилишни сўраган эдик, меҳмон қилмадингиз. Энди мен ҳам бизга бирор музд* атамагунингизча руқйа ўқимайман», деди. Кейин улар билан бир пода қўйга келишишди. У «**Алҳамду лиллааҳи Роббил-ъаламин**»ни ўқиб, унга суфлаб, дам сола кетди. Шунда у (бемор) худди боғлови ечилгандек ҳолатга тушди-да, ҳеч нарса кўрмагандек юриб кетди. Улар ўзаро келишилган муздни тўлиқ беришди. Шунда баъзилари: «Уни тақсимланглар», дейишди. Руқйа ўқиган киши эса: «Ундай қилманглар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, у зотга бўлган ишни айтиб, бизларни нимага буюришларини кўрайлик», деди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, айтишган эди, у зот: «**Унинг руқйа эканини қаердан билдинг?**» дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ҳақиқатан, тўғри қилибсизлар. Тақсимланглар ва ўзингизга қўшиб менга ҳам улуш ажратинглар**» деб, кулдилар».

* Музд - иш ҳақи, мукофот.

Манба: hadis.islom.uz

